




New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

11 (49) 2022



Received: 15.10.2022
Accepted: 25.10.2022
Published: 10.11.2022

УДК 616.12+616.78-005:-616-008

COVID-19 ЎТКАЗГАН КАРДИОРЕСПИРАТОР ТИЗИМ КАСАЛЛИКЛАРИ БОР БЕМОРЛАРДА ЭНДОТЕЛИЙ ФУНКЦИЯСИНИ ЎРГАНИШ

Ермекбаева А.У., Камилова У.К.,

Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон

✓ Резюме

COVID-19 ўтказган кардиореспиратор касалликлари мавжуд беморларда энг кўп учраган юрак-қон томир касалликлари бўлиб, ўпка касалликлари билан коморбид ҳолатларда эндотелий функциясининг кўпроқ бузилиши билан тавсифланади.

Калит сўзлар: COVID-19, эндотелий функцияси, кардиореспиратор тизим,

ИЗУЧЕНИЕ ФУНКЦИИ ЭНДОТЕЛИЯ У БОЛЬНЫХ С КАРДИОРЕСПИРАТОРНЫМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ, ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19

Ермекбаева А.У., Камилова У.К.

Тошкентский медицинский академия, Узбекистан

✓ Резюме

У больных с кардиореспираторными заболеваниями, перенесших COVID-19 наиболее часто встречались заболевания сердечно-сосудистой системы, нарушения эндотелиальной функции были наиболее выражены у больных с коморбидными заболеваниями.

Ключевые слова: COVID-19, функция эндотелия, кардиореспираторная система

STUDY OF ENDOTHELIAL FUNCTION IN PATIENTS WITH CARDIORESPIRATORY DISEASES AFTER COVID-19

Ermekebaeva A.U., Kamilova U.K.

Tashkent Medical Academy, Uzbekistan

✓ Resume

In patients with cardiorespiratory diseases who underwent COVID-19, diseases of the cardiovascular system were most common, endothelial dysfunction was most pronounced in patients with comorbid infections.

Keywords: COVID-19, endothelial function, cardiorespiratory system

Долзарбליги

COVID-19 касаллиги патогенезида ангиотензин айлантурувчи фермент (ААФ)-2 рецепторларининг экспрессияси эндотелиал хужайралари, айниқса юрак, ўпка, мия ва ёғ тўқималарида юқори даражада бўлиб, SARS-CoV-2 вирусининг бу аъзоларни зарарлаши оғир ва ҳаёт учун хавфли асоратларни келтириб чиқаради [5,11]. Микроваскулитлар ёруғлик микроскопида кўрилганда морфологик эндотелиал дегенерация натижада базал мембрананинг бузилиши ва редупликацияси билан боғлиқлигини кўриш мумкин [4, 9,12]. Бундай структур жароҳатланиш тизимли тарзда айниқса мия, ўпка, ўрта катталиқдаги артериялар, артериолалар ва капиллярларда кузатилади. COVID-19 касаллиги коморбид ҳолатлар билан бирга келиши, жумладан COVID-19 касаллиги юрак-қон томир тизим касалликлари ва ўпка касалликлари